

Янги Ўзбекистоннинг бош мақсади - халқни рози қилиш



Бугун, Шеробод туманида вилоятдан бириктирилган вакил У.Алимов бошчилигида 1-сектор ҳудудидаги маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият олиб бораётган “бешлик” вакиллари ҳамда алоқадор ташкилот ва корхоналар раҳбарлари иштирокида учрашув ташкил этилди.

Учрашувда маҳаллалар бешлигига аҳоли масалаларини ўрганишда, муаммоларга манзилли ёндашиш, маҳалла ҳудудларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, маҳалла ҳудудини тоза ва озода сақлаши, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, ҳар бир маҳалла ходими ўз вазифаларини виждонан бажариши, мурожаатларнинг ўз вақтида қонуний кўриб чиқилиши ҳақида вазифалар берилди.